



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

# ЖАМИЯТ

№ 05  
(926)  
2025 йил  
6 февраль,  
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

## Навоийхонлик

Инсоннинг ахлоқий фазилатлари хамиша Шарқ шоирларнинг дикқат марказида бўлиб келган. Адабиёт сўзининг «адаб» сўзидан пайдо бўлгани ҳам буни кўрсатиб туриди. Шарқда етишган қайси бир шоир ижодини олиб кўрманг, унда панд-насиҳат оҳангидаги асарларга дуч келамиз. Қадимги адиларимиз адабиётни тарбия воситаси деб карашган. Хоҳ соғ лирик асарлар бўлсин, хоҳ воқеа-ҳодисалар, афсона-саргузаштлардан иборат эпик асарлар бўлсин, уларда «мавъиза», яъни ўгит-насиҳатлар характеристидаги кисмлар бўлган. Яна шуни ҳам тъкидлаш керакки, ахлоқий мавзудаги адабиёт ўзи алоҳида бир йўналишдир. Буни шарқликлар «панднома» деб юритганлар. «Қобуснома» (Кайковус), «Қутадгу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб), «Ҳибат ул-хақо-йик» (Аҳмад Юғнакий), «Гулис-



тон», «Бўстон» (Шайх Саъдий), «Махбуб ул-қулуб» (Алишер Навоий), «Баҳористон» (Абдураҳмон Жомий), «Ахлоқи Мухсиний», «Анвори Суҳайлий» (Кошифий) шундай типдаги асарлардир.

Шоирлар инсонни барча махлукотларнинг афзали, шарифи деб таърифлаб, шуни ҳам уқтирадиларки, одам ўзига муносаб яхши ишлар билан шуғулланиши, ўзномини ёмон, тубан хулқ-атвorum билан булғамаслиғи керак.

Инсонсеварлик ғоялари билан сугорилган, инсонни севиш, шаравфлашни тарғиб этувчи сатрлар

## «ДЕМА ХУМОР, ОНИ ДЕГИЛ ЮЗ БАЛО...»

«Ҳайрат ул-аброр»да ҳам кўп топилади. Чунончи:

*Хонию ҳайвони агар худ набот,  
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот,  
Борчасини гарчи латиф айладинг,  
Борчадин инсонни шариф айладинг.*

Алишер Навоий юкоридаги шариф сифатларга зид ўларок, ўз даврининг муаммоларидан саналган май ва майхўрлик ҳақида, унинг инсонни тубанлаштирувчи бир восита экани борасида алоҳида тўхталади.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, Навоийнинг салафлари Низомий, Ҳусрав Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз ижодларида ҳам май ва майхўрлик

ҳақида гап кетса-да, лекин уларда бу нарса муҳокама мавзусига айланмаган ва қаттиқ кораланмаган. Алишер Навоий эса Баҳром Гўр образи орқали майпараст шоҳнинг фожиасини кўрсатиб, Ҳусайн Бойқарони ундан сабоқ олишга чакирган. Бунинг сабаби шуки, майхўрлик, айшу ишратга берилиш XV асрда Ҳиротда кенг авж олади, факат султон саройидагина эмас, бошқа жойларда ҳам ҳоким-амалдорлар, сипоҳийлар, ҳатто дин арбоблари шайху қозилар бўш вақтларини базми жамшидлар уюштириб, майхўрлик қилиш билан ўтказганлар.

(Давоми 8-саҳифада)

## «ТУШУНЧАЛАР УРУШИ» МАГЛУБЛАРИ



Уларни буғун қутқармасак эртага кеч бўлади

Ишдан сўнг уйга қайтаётib, шароит ва зарурат юзасидан таксига чиққандим.

Тигиз пайт бўлгани учун пойтахтда ҳам автомобиллар қатнови кучайган, тирбандлик сабаб тез-тез тўхтаб қолишимиз ҳам одатий ҳолатга айланган. Йўл четида бақириб-сўкиниб кетаётган ёш-яланги кўриб, бугунги авлод ҳақида гаплашиб қолдик. Такси ҳайдовчиси яқинда Америкада ишлаб келганини айтди.

### Ташвиш

— Бир ярим йил ҳам бўлмаганди ўша ерда яшаб ишлаётганимга. Қайтиб келишга мажбур бўлдим... Оилам — аёлим ва икки фарзандим билан боргандим... Йўқ, топишимиз яхши эди, турмуш ўртогим ҳам ишларди... Кейинги пайтда катта ўғлимнинг уйга ярим тунда кела бошлаганидан хавотирланиб бир куни қаттиқ уришсан, кутилмаган жавобни эшидим:

— Балоғат ёшига етганман, мени тергашга хақингиз йўқ. Агар яна шунака дўқ қилсангиз, полиция чакираман. Бу ердаги қонуни яхши биласиз, — деди ўғлим... У бу гапни кўзимга тик қараб шундай ишонч билан айтди, нима деб жавоб қайтариш билмай қолдим... Аёлим билан ҳолатни узоқ муҳокама қилдик ва кўч-кўронни ийғишириб уйга қайтишга қарор қилдик. Чунки энди кўп ўтмай фарзандларимнинг бундан ҳам баттар муносабатда бўлиши оддий ҳолатга айланишидан чўсидим.

\* \* \*

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларидан бири-

да бундай деганди: “Бизни хамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ўшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёкараши билан боғлик. Бугун замон шиддат билан ўзгаришларни ҳаммадан кўпроқ ҳис этадиган ким – ўшлар. Майли ўшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унтишмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбida доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.

Жамиятдаги муҳит, оломончилик кайфияти, руҳияти, айниқса, болалар ва ўсмирлар онгини тез асир этади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Фарб дунёсида юзага келган “оммавий маданият” тарафдорлари бу борада жуда фаоллашган. Аслида маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик кўринишидаги бундай қарашлар дастлаб ён-атрофдаги жонли муносабат-мулқотлар орқали юқа бошлаган бўлса, энди интернет тармоқлари орқали

бутун дунёга тез ва кўп тарғиб қилинмоқда.

Ҳар қандай муаммога, аввало, психологик ёндашувчи мутахассислар ахборот “тушунчалар уруши” моҳиятини оммавий равишида инсонлар онгига яширин таъсир кўрсатишдан иборат, деб баҳолашади. Айтайлик, ота-онага, оиласа, фарзандларга нисбатан юксак инсоний тушунчани бутунлай тескари томонга ўзгаририб ташлаши мумкин.

“Оммавий маданият” тарафдорлари тафаккурни манипуляция қилиш орқали обьектлар онгига ўз ғоя ва мақсадларини сездирмай жойлаш услубидан фойдаланмоқда. Тан олиш керак, улар буни яхшигина уддалаб ҳам келаётir. Жумладан, Тошкент шаҳри марказидаги кўчалардан бирида янги субмаданият кўринишларидан бири бўлган квадроберлар пайдо бўлгани ҳақида ижтимоий тармоқларда тарқалган хабар ва видео бунга мисол бўла олади.

### Тарбия, тарбиячи ва тарбияланувчилар

“Олдиға қўйганни емак — ҳайвон иши, Оғзига келганни демак — нодон иши”, деган эди Алишер Навоий.

Афсуски, бугун ахборот тарқатишда энг самарали бўлган интернет тармоғида “оғзига келганни демак”чилар хаддан зиёд кўпайган.

(Давоми 4-саҳифада)



## ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Президентимиз раҳбарлигига сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия билан узлуксиз таъминлаш, соҳа корхоналарида энергия самарадорликни ошириш, энергетика тизими барқарорлигини таъминлаш, ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” тараққиёт стратегиясида 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мега ватга етказиш, қайта тикланувчи энергия мабаларини жами истемолдаги улушкини 40 фоизга етказиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини эса 120 млрд.кВтга етказиш мақсад килинган.

Ўтган 2024 йил давомида 91,1 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. 2025 йилнинг 1-январь ҳолатида истемол килинган электр энергиясидан ҳосил бўлган дебитор қарздорлик 2 трлн. 782 млрд.сўмни ташкил этади.

Қайд этиш лозимки, амалдаги қонунчиликда иссиқлик ва электр энергияси таъминоти корхоналарининг судларга киритадиган аризалари давлат божидан озод қилинмаганини мазкур корхоналарнинг юзага келган дебитор қарздорликларини тезкорлик билан бартараф этиш имконини чекламоқда.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш киритилмоқда. Хусусан, иссиқлик ва электр энергияси таъминоти корхоналарининг судларга киритадиган даъво аризаларини давлат божидан озод этиш, ҳамда уларнинг талабарини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда давлат божи ундириш белгиланмоқда.

Шунга кўра, энергетика соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек иссиқлик ва электр энергияси таъминоти корхоналарининг дебитор қарздорликларини қисқартириш ва молиявий йўқотишларининг олдини олиш мақсадида уларнинг Фуқаролик ишлари бўйича ҳамда Иқтисодий судларга киритадиган аризалари давлат божидан озод этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг жорий йилнинг 24 январида бўлиб ўтган З-ялпи мажлисида “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди.

## ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА

## ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Назарда тутилаётган нормалар орқали иссиқлик ва электр энергияси таъминоти корхоналари томонидан кўрсатилган ёки кўрсатиладиган хизматлар учун энергия ресурслари истеъмолчиларининг тўлов интизоми даражасини яхшиланишига ҳамда энергия таъминоти корхоналарининг дебитор қарздорликларини қисқаришига эришилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасига «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун давлат божи ундириш тартибини қаратилган

ўзгартиришлар тўғрисида таклиф киритиш вазифаси белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ хорижий тижорат ташкилотининг ваколатхонаси хорижий тижорат ташкилотининг хоҳишига кўра бир йилдан уч йилгача муддатга аккредитация килинади (аккредитация муддати узайтирилади).

Бироқ, ушбу низомда аккредитация қилиш (аккредитация муддати узайтириш) учун давлат божи ҳар бир йил учун тўланиши назарда тутилмаган. Бу эса амалдаги нормани турлича кўллашга олиб келади ва соҳада ягона хукуқни кўллаш амалиётини жорий этишга тўсқинлик қиласи. Шу боис, «Давлат божи

тўғрисида»ги Қонунга хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси худудида аккредитация қилинади давлат божи ҳар бир йил учун тўланишини белгиланмоқда.

Хуласа ўрнида, қонуннинг қабул килиниши истеъмолчилар томонидан қарзларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлашга, ахолининг сифатли иссиқлик ва электр энергиясини етказиб бериш бўйича хизматлар билан таъминланганлик даражасини оширишга, тўлов интизомига риоя этилишига, энергия ресурслари барқарор етказиб берилишига ҳамда энергия таъминоти корхоналарининг дебитор қарздорликлари бартараф этилишига ижобий таъсир этади. Шунингдек, чет эл тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси худудида аккредитация қилганлик учун давлат божи тўлаш тартибини аниқлаштириш мамлакат инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва сифатли инвестиция жараёнини ташкил этишга хизмат қиласи.


**К. ТУРСУНОВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг  
Бюджет ва иқтисодий  
масалалари қўмитаси раиси  
ўринбосари

## ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРИ НОҚОНУНИЙ САҚЛАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 1019-сонли Қонунда (2025 йил, 16-январь) белгилаб қўйилган.

Қонунга кўра, МЖтК 92 (1)-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонлар жисмоний шахслар томонидан сақланганда, ана шу ҳайвонлар мусодара қилиниб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача (1 млн. 875 минг сўмдан 3 млн. 750 минг сўмгача) миқдорда жарима солинади.

Худди шундай хукуқбузарлик одамларнинг соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар этишига олиб келса, башарти жиноят аломатлари



мавжуд бўлмаса, ана шу ҳайвонлар мусодара қилиниб, фуқароларга БХМнинг 30 бараваридан 50 бараваригача (11 млн. 250 минг сўмдан 18 млн. 750 минг сўмгача) миқдорда жарима тайинланади.

Бундан ташқари, МЖтКнинг 110-моддасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ҳайвонларни сақлаш қоидаларини бузиш, худди шунингдек, мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш ва сақлаш чораларини кўрмаслик фуқароларга БХМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (1 млн. 125 минг сўмдан 1 млн. 875 минг сўмгача), мансабдор шахсларга эса 5 бараваридан 10 бараваригача (1 млн. 875 минг сўмдан 3 млн. 750 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Худди шундай хукуқбузарлик одамларнинг соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар этишига олиб келса, башарти жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, фуқароларга БХМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (3 млн. 750 минг сўмдан 5 млн. 625 минг сўмгача), мансабдор шахсларга эса 15 бараваридан 30 бараваригача (5 млн. 625 минг сўмдан 11 млн. 250 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўзда тутилмоқда.

**Валижон ИБРОҲИМОВ,**  
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва  
иқклим ўзгариши вазирлигининг Экологик назорат  
инспекцияси бош мутахассиси

Тез-тез йўлим тушадиган кўчадаги йирик савдо дўконига одатдагидан кўпроқ харидорлар кириб-чиқаётганга ўхшади. Зингил солсам, киравериш пештоқига: “Байрам чегирмалари: 30-50%”, деган ёзув катта ҳарфларда ёзилган экан. Беихтиёр 5-6 ой аввал ўзим билан бўлган бир ҳолат ёдимга тушди.

## ХАРИДОРГА ҚЎЙИЛГАН ҚОПҚОН

### ЁХУД ПСИХОЛОГИЯМИЗНИНГ



Уйимиз яқинидаги шаҳарда машхур савдо дўконидан остюм-шим харид қилмоқчи бўлдим. Турли ранг, ўлчам ва русумда тикилган ўнлаб маҳсулотдан бири менга ёқди. Нархини сўрасам, 1 миллион 499 минг сўм экан!!! Чўнтак кўтартмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай аёлим ўша маркетда “кийим-кечаклар байрамолди 50 фоизгача чегирмалар билан сотилаётган экан, бориб кўринг-чи”, деб қолди. Яна кирдим. Карасам, менга маъқул келган “таниш” костюм-шим ёрлиғидаги гўёки эски “2 700 000 сўм” нархи устидан чизик тортилиб, айни пайтда чегирма кўлланган баҳоси “1 455 000 сўм” деб ёзиб қўйилган эди.

Ниманидир тушунгандек бўлдим. Савдо соҳасида суюги қотган

дўстим бор. Мавриди келганда унга шу нарса ҳакида айтиб бердим. “Жуда соддасан-да”, деб кулди. Ундан эшигнларим эса шубҳаларимни тасдиқлади. Хуллас, аксарият (ҳаммаси эмас) катта-катта маркетлар шу усул билан ўтмай ётган маҳсулотларини сотишга муваффақ бўлар экан. Бу нарсага дунёнинг кўплаб давлатларида бизнесни инқироздан сақлаб қолишининг энг ишончли чораларидан бири сифатида қаралар эмиш. “Чегирма” (скидка) деган ёзув ёки сўз уларни харид қилиш истагини бир неча барабар оширап экан. Ачинарлиси, кўлида муайян миқдордаги маблағ билан дўкондан буюм сотиб олишга “қасд” қилган одам керак ва нокерак маҳсулотларни сотиб олаверади, асосийси, “чегирма” бўлса, бас!

Одамлар назарида қиммат ва сифатли буюмларни ярим баҳосида сотиб оляпман, деган қоникиш зохир бўлиб, чегирма қўллаётган дўконларга боришка давом этаверади. Инсон психологиясининг оқсайдиган трафи ана шунда.

Шу ўринда қонунчилик меъёллари ҳакида мутахассисга мурожаат қилдик:

— “Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотовчи) истеъмолчига

ўзи реализация килаётган товар (иш, хизмат)лар ҳакида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт, жумладан, тобар нархи (тарифи) ва сотиб олиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам, — дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи Абдураҳмон Рапупов. — Қонунга кўра, нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳакида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади. Мазкур талаблардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субектлари маҳсулотини эълон қилинган нархномаларда аниқ белгилаб қўйилган нархларда сотишлари лозим бўлади.

Фараз қилинг, агар ўшанда чегирма мавсумидан сал аввалрок дўкон ораламаганимда, балки аввалги нархи салқам 3 миллион сўм, деб ёзиб қўйилган бояги костюм-шимни хурсанд бўлиб 1 ярим миллион сўмга амал-тақал килиб бўлса ҳам сотиб олган бўлишим мумкин эди.

Майли, кийим-кечак ва буюмларни четга суриб турайлик. Айрим озиқ-овқат дўконларида ҳам чегирма билан сотилаётган маҳсулотларни таклиф қилишади. Тўғри, юқорида айтганимдек, чегирмалар ҳаммага ёқади. Аммо бу маҳсулотларни сотиб олишдан аввал уларнинг яроқлилик муддатини текшириш лозим, эҳтимол у тугагандир. Бу нафақат соғлиқ, балки ҳаёт учун ҳам хавфли.

Савдо аҳли аноиҳа халқ эмас, ҳеч қачон зиёнига ишлашни истамайди. Ҳалол савдо ходимлари, савдо мутасаддилари минглаб топилади. Аммо орасида қандай усул билан бўлмасин фақат шахсий манфаат ва бойлик орттиришни кўзлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Русларнинг “Текин пишлоқ сичқон қопқонида бўлади”, деган мақоли бор. Шу боис, харидор сифатида “чегирмалар” уммонидан фойда қилипман, деб хурсанд бўлишга шошилмайлик.

Нодир МАҲМУДОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси

## МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН ЛОЙИҲА

### Қашқадарёда 176 нафар чала түғилган чақалоқ ҳаётга қайтарилди

Соғлом ва баркамол фарзанд наинки оиланинг, балки бутун жамиятнинг бебаҳо бойлигидир. Чақалоқнинг дунёга келиши ҳар бир хонадонга бир олам қувонч ва баҳт олиб келади. Оризиқиб кутилган “мехмон” нимжон ва кам вазнда туғилса-чи? Бу ҳар қандай ота-онани изтиробга солиши табиий. Бундай пайтда гўдак учун мураккаб муолажалар, малакали шифокорлар парвариши талаб этилади.

#### Соғлом ҳаёт учун

Шу маънода Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида эълон қилинган танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Шундай танловлардан бири “Кам вазнли туғилган чақалоқларни парваришилашда юқори технологияли тиббий аппаратлардан самарали фойдаланиш” мавзусида бўлиб, унда “Мехр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди Қашқадарё вилояти худудий муассасаси ғолиб деб топилди.

Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси қарори билан танлов ғолибига 2024 йил 25 июня 950 млн. сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ асосида лойиҳанинг биринчи босқичида биржа савдоси орқали 800 млн. сўмга 10 дона “EcoLa-3000” моделидаги кам вазнли ва чала туғилган чақалоқлар учун кувез инкубатор харид қилинди.

Лойиҳа доирасида Республика Ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий амалий тибиёт

маркази Қашқадарё вилоят филиалининг чақалоқлар реанимацияси ва янги туғилган чақалоқлар патологияси бўлимига 5 дона, Қашқадарё вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт марказининг интенсив терапия ва янги туғилган чақалоқлар патологияси бўлимларига 5 дона замонавий юқори технологияли кувез аппаратлари ўрнатилди.

Ўтган 6 ой давомида вилоятда 176 нафар чақалоқ соғлом ҳаётга қайтирилди. Рости, ота-оналарнинг қувончини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Ахир кам вазнли ва чала туғилган фарзанд соғлом бўлиб ҳаётга қайтса, бундан ортиқ баҳт борми, дунёда? Бинобарин, замонавий ускуналар, шубҳасиз, катта имкониятлар беряпти. Бунга шак-шубҳа йўқ. Аммо, замонавий тиббий ускуналари қанчалик мукаммал бўлмасин, ундан қандай фойдаланиш борасида етук мутахассисларга эҳтиёж сезилади. Шу сабабли Тошкент шахридан маҳсус техник мутахассисларни жалб қилган ҳолда ушбу кувез инкубаторларни тўғри, сифатли ва самарали ишлатиш бўйича 10 соатлик маҳорат дарслари ўтказилди.

Муддатидан аввал туғилган чақа-

локлар ҳаётини сақлаб қолиш учун куляй ва хавфсиз микро мухит яратилиши керак. Ушбу вазифани инкубаторлар бажаради. Улардан фойдаланган ҳолда янги туғилган чақалоқларнинг тана ҳароратини, атрофидаги керакли намлик ва кислород даражасини сақлаб туриш имкони мавжуд бўлади. Янги авлод ускуналари ички ҳароратни мустақил равишда созлаш, жумладан атроф-мухит ва ўрнатилган ҳарорат ўртасидаги фарқни таққослаш ва мос равишда иситиш қувватини ўзгартиришда «инсон омилини» деярий йўқ қиласи.

Техникини тақомиллаштиришнинг ўзи етарли эмас. Мутахассислар унинг имкониятларидан моҳирона фойдалана олишлари ҳам лозим. Лойиҳанинг иккинчи босқичида — Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Дипломдан кейинги таълим факультети Неонатология кафедраси билан ҳамкорликда вилоятдаги 30 нафар врач неонатолог ва 70 нафар ҳамшира “Муддатидан аввал ва кам вазн билан туғилган чақалоқларни тўғри парваришилашда тибиётнинг замонавий усуллари” мавзусида малака ошириш курсларида ўқитилди.

**Қаноат АЗИЗОВ,**  
**Ўзбекистон “Мехр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондининг Қашқадарё вилоят худудий муассасаси раиси.**

# «ТУШУНЧАЛАР УРУШИ» МАГЛУБЛАРИ

Уларни буған құтқармасақ әртаза кеч бүләди

(Боши 1-сағиғада)

Уларнинг нималар деб, нималарни күрсатаётганига күзингиз тушиб шунчаки нодон деб бўлмаяпти. Албатта, интернет тармоқларининг маълумотларни жамлаш, тез тарқатиш борасидаги ижобий имкониятларини инкор этиб бўлмайди. Аммо ундан саводсизларча, аралаш-қуралаш фойдаланиши психологияк бузилишларни кучайтиради. Жумладан, вақтни назорат қила олмаслик, хиссий зўрикиш, таъсирчанлик кучайиши, одамларга аралашиб ўрнига ўз қобигига ўралиб қолиши, агрессив муносабат, ўйқ жойдан хавотир ва ваҳима, депресия юзага келиши, масъулиятдан қочиши ва ҳоказо. Юмшок тарзда изохланган бундай зараплар муайян вақтдан кейин ўнглаб бўлмас фожеага айланиши ҳеч гап эмас.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ана шу “тарбиячи”нинг ўқувчилари, яъни интернетдаги ижтимоий тармоқлардан мунтазам фойдаланувчилар сони 10 миллиондан ошади. Табиийки, уларнинг аксарияти ёшлар ва ўсмирлар. Улар қаторига ҳеч иккимасдан болаларни ҳам киритиш мумкин.

Асосий масалага қайтадиган бўлсак, “оммавий маданият” ҳали тафаккури шаклланиши жараённада бўлган ўсмир ва болаларни жуда қиска муддатда ўз тарафдорлари қаторига қўшиб олиши экхимоли юкори. Ваҳоланки, кўпчилик ҳали биринчи синфга ҳам бормаган боласи ёки уч ёшли невараси телефондан зўр фойдаланиши мактаниб гапириш билан овора. Оиладаги жонли тарбиячиларнинг ўзи тарбияга муҳтож бўлиб боряпти. Ахир бу хилдаги маданиятга қарши курашадиган иммунитетни ўз авлод тафаккурида болалигидан мустаҳкамлаб улгуриш керак эмасми? Ёки кейин кеч бўлишини билмаймизми?

## “Оммавий маданият” нима ўзи?

Бу атама ўтган асрнинг ярмида Фарб мамлакатларида пайдо бўлган. “...Фала-сафий жиҳатдан “оммавий маданият” аслида “аксил маданият” ёки “субмаданият” ҳисобланади”, деб қайд этилади илмий тадқиқот асарларида. Хусусан, унинг анъанавий инсоний маданиятга, қадриятлар ва қонунларга зид, гоҳида ундан бегоналашган бузгунчи маданият эканига ургу берилган.

“Оммавий маданият” сунъий эҳтиёж ва манфаатларни шакллантирган холда онгни башқаради. Унинг “старизм”, “хеппининг”, “панк”, “эмо”, “нигилизм” каби кўплаб тур ва ўйналишлари бор. Ўзларининг умумий номланишига “маданият” (“попкультур”) сўзини никоб қилиб олган бу қарашлар жамиятдаги умуминсоний ва миллий қадриятлар, ахлоқий меъёрларга умуман тўғри келмайди. Тўғри келмайдигина эмас, оддий кийинишдан тортиб, сўзлашиб ва мулоқот шакли, қарашлари билан ҳам асрлардан бўён инсон маневијати ва маневијатига хизмат қилаётганди маданиятга кўл силтайди. У ҳолда бундай қарашлар

тарафдорлари қандай қилиб миллий тафаккуrimiz чегараларини ёриб ўтишга эришмокда?

Бегона кимсанинг турли воситалар орқали таъсири сабабли ўзгалар бўйруғи, хоҳиш-иродасига сўзсиз бўйсунадиган, мустақали фикрлай олмайдиган, ўз шахси ва эркига эга бўлмаган кишилар манқурт (зомби) дейилади. Шу маънода “оммавий маданият” тарафдорларини ҳам қайсиидир маънода манқурт деб айтиш мумкин. Ахир улар ҳам қандайдир гурухларнинг танага турли расм чиздириш, бирор қимматбаҳо буюмни (айтайлик пианино, рояль) ёки, енгил автомашинани бирор тўсинга уриб кўрсатиш каби вахшиёна томошаларни олқишилаб лаззатланишларини қандай тушунса бўлади?

Кўчма маънода, айниқса, бугунги кунда “зомби” ибораси бирор эътиқод, ишқибозлик, гоя, бузгунчи “маданият”-нинг кучли таъсирида қолган одамга нисбатан кўлланиляпти. Улар мутоладан бегона, мустақил фикрламайди, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олмайди.

Шу ўринда “оммавий маданият”нинг бир кисми бўлган субмаданиятга бир назар ташлаш кифоя. Чунки ёшларнинг янги маданияти деб талқин қилинётган, дейлик, квадроберлар юқорида айтиб ўтилган сунъий эҳтиёж ва қизикини шакллантиришга бўлган уринишлардан биридир. Яъни тарғиботчилар “хозирги болалар бунга қизиқади, ҳеч қанака зарари йўқ” қабилидаги изохлари билан сунъий эҳтиёж яратишмокни бўлишяпти.

Энди айтинг-чи, “оммавий маданият” кўринишлари, ўналишларидан бирортасининг бирорта бўлса ҳам яхши, фойдали ёки безарар томони борми? Бу ҳаракатнинг моҳияти инсон руҳиятини, тушунчаларини тўғри йўлдан ҷалгиши, хиссиятларига таъсир килиш орқали тафаккури таназзулга етаклашдан бошқа нарса эмас. Бепарвоник оқибати эса кейинчалик панд-насиҳат, жазолаш, ҳатто энг мураккаб тиббий муложалар билан ҳам тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб қелиши турган гап.

## Квадроберлар кимлар?

Турли ҳайвонлар (ит, мушук, бўри, тулки, шер ва ҳоказо) қиликларига, овозига тақлид қилиб, ўша ҳайвон кўринишига мос никоб ва кийим кийиб юрадиганлар шу ном билан юритилади. Улар шу таҳлит кўриниши олибгина қолмай, “тўрт оёқ”да, яъни бир пайтнинг ўзида кўл ва оёқларига таяниб юради, чопади. Бу нарса қаердан пайдо бўлган?

Маълумотларга кўра, “квадробер” атамаси “тўрт” ва “аэробика” сўзлари кўшилишидан ясалган. Кўриниш, ҳодиса сифатида Японияда юзага келган. Енгил атлетикачи Кеничи Ито 2008 йилда тўрт оёқлаб, яъни кўл ва оёқда 100 метр масофани 18,58 секундда чопиб ўтиб жаҳон рекордини ўрнатгач, бу ўзига хос жисмоний машқ сифатида тарғиб этилган. Шу тариқа бу машғулот интернетдаги видеориклар орқали қўплаб мам-

лакатларга ёйилиб кетди.

Энди бу каби одамлар қизиқиширига кўра гурухларга бирлашгани учун мазкур ҳатти-ҳаракат янги оким сифатида таърифлана бошлади. Маълумотларга кўра, улар ўзларининг қандайдир тадбирлари, мусобақаларини ўтказади. Тегиши тармоқда эса квадробика техникаси, жумладан, қандай сакраш, чопиш, ниқобни қандай тайёрлаш борасида турли ўйрекномалар ҳам бериб борилади. Болалар ва ўсмирлар тренда бўлиш учунгина бу ҳатти-ҳаракатга эргашмокда.

Кўпинча квадроберлар перформанс (тақлид, томошага ўхшаш) ҳаракатларни амалга оширишга интилади. Бу қардан пайдо бўлади? Аввало, бу ёшига алоқадор учта хусусиятга боғлиқ. Яъни тақлид килиш, ўз “мен”ини ифода этиш ва қизиқиши даражаси юқори экани. Учинчиси эса ўз “мен”ининг юқори даражада қондирилмагани. Квадроберларда ҳам шундай. Улар одатда деярли гапирмасдан, сўзсиз, бъязан тажовузкор ҳатти-ҳаракатларни амалга оширади. Буни бемалол девиант – жамиятда қабул қилинган ижтимоий ахлоқ меъёрларидан оғиш, деб баҳолаш муболага бўлмайди.

\* \* \*

“Биз, аввало, ҳар бир тирик жонзотга меҳ-шафқатли бўлиш, ҳайвонларга озор бермасликни инсонийликнинг мухим фазилати сифатида қадрловчи халқимиз. Бироқ табиат гултожи бўлган инсон бўлишдан воз кечишига уриниш, ҳайвонларда кузатиладиган агрессив ҳатти-ҳаракатларни қилишни ҳар қандай халқ коралайди, умумбашарий қадриятлар инкор қиласи. Айниқса, онги таъсирчан, тақлидга мойил, янгиликларга қизиқувчан ёшлар учун квадроберлик жуда ҳавфли. У болани жамиятдан айро, одамлардан узоқ, ҳар қандай юриш-туриш қоидаларидан бегона қилиб кўяди”, дейди Республика Маневијат ва маърифат маркази раҳбари Оtabек Ҳасанов.

Бу каби хулосаларни хорижий эксперплар ҳам билдирган, гарчи “вакти келиб бу ўқолиб кетади” қабилида жавоб берганлар бор бўлса ҳам. Бироқ неча ўн йилдан бери ўқолиб ўрнига янги турлари пайдо бўлаётгани бунинг аксини кўрсатмоқда.

Айни пайдда мавзуга оид сайлларда боласи бўйнига арқон бойлаб юрган ота ёки оналар ҳам кўрсатилади. Жумладан, бир эркак “аввалига ўйланиб қолдим, аммо қарасам бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ”, деб фикр билдиrsa, катта ёшдаги аёлнинг мушук никобида тўрт оёқлаб юрган неварасини мамнуният билан маъкуллагани ҳайрат ва даҳшатга солади кишини.

## Субмаданият ҳақиқатан маданиятми?

Маданият инсон фаолияти маҳсулли, кўриниши, илмий тилда айтганда, сифат кўрсаткичи экан, у жамиятдан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Жамиятдаги мухитни, киёфани ҳам маданият белгилайди.

Интернетдаги википедия очик энциклопедиясининг ўзбекча манбаида субмаданиятга бундай таъриф берилган: “Субмаданият ичидаги ўзига хос кийиниш, жаргон, ҳатти-ҳаракат ва бошқа маданий нормалар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ёшлар орасидаги субмаданиятлар алоҳида ажратилади”.

Дунёда жамият ривожланиши давомида миллий, демографик, ижтимоий, профессионал йўналишларда турли гурухлар пайдо бўлиши мумкин. Муайян вақт ўтгач, уларнинг ҳар бири ўз маданияти, юриш-туриш ва ахлоқ меъёрларини шакллантиради. Тадқиқотчилар буни субмаданият вакиллари деб номлашган. Хўш, аввало, субмаданият нима ўзи?

Субмаданият (лотинча: суб — “ост” ва “культура” — маданият) жамиятшунослиқ, антропология ва маданиятшунослиқ атамаси бўлиб, жамият маданиятининг кескин фарқланувчи бир кисмидан иборат.

Узоқ тарих кўрсатадики, инсонлар, жамоаларнинг бирлашуви, ахиллиги ўз долзарблигини йўқотган эмас. Факат қандай максад ва гоя замирида бирлашиш олд ўринга чиқди. Шу маънода маънавиятнинг ажралмас кисми бўлган маданият аслида қандай эканини, “оммавий маданият” нима ва уни кимлар ва нима максадда тарғиб қилаётганини, биринчи навбатда, ёшларга тушунтириш, ўз сўзимиз, ҳатти-ҳаракатмизда намоён қилиш талаб этилмоқда. Айрим ножӯя, ахлоқиз ҳатти-ҳаракатларни содир этганлик учун биргина моддий жарима солиш билан бутунлай тўхтатиш амри маҳол.

Бизнингча, биринчи галда бузгунчи, қадриятларимизни менсимай камситувчи ғояларнинг асл мазмуни ва мақсадини болалар ва ўсмирларга, ёшларга мунтазам сингдириб бориш шарт. Буни нафақат оғзаки панд-насиҳат билан, балки барча турдаги оммавий ахборот воситалари, ҳатто ижтимоий рекламалар орқали “оммавий маданият”чилардан ҳам таъсирчан шаклда тарғиб қилинмаса, ахборот истеъмоли маданияти шаклланмайди. Бунда эса “Авесто”да таъкидланган “Эзгу фикр – эзгу сўз – эзгу амал” ғояси мустаҳкам таянч бўла олади.

**Рустам БОЙТЎРА**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташабbusларни ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини кўллаб-куватлаш” гранти асосида тайёрланди.





Гиёхвандлик ва наркожиноятларга қарши кураш бүгунги кунда дунё миқёсида долзарб муаммолардан биридир. Ўзбекистон раҳбарияти ушбу соҳада самарали ва тизимли чора-тадбирларни амалга оширишини мағсад ўзилиб, гиёхвандлик ва наркожиноятларнинг олдини олиш юзасидан 2024-2025-йилларга мўлжалланган маҳсус миллӣй дастурни ишлаб чиқди.



## Тинчликтиниң мұхим шарти

Гиёхвандликнинг олдини олишда маърифий фаолиятни самарали ташкил қилиш мұхим ҳисобланади. Бунда оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг фаол ҳамкорлыги долзарб ҳисобланади.

Профилактика тадбирларида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш алоҳида ахамиятга эга. Мактаб ва олий таълим муассасаларида гиёхвандликка қарши маҳсус ўқув дастурлари жорий этиш, ўқитувчилар ва тарбиячиларни мазкур соҳада тайёрлаш масалалари мұхим саналади. Бундан ташкари, ахборот технологиялари орқали ахолига гиёхвандликнинг заарлари ҳақида маълумот бериш, ижтимоий тармоқларда профилактика йўналишида тарғибот ишларини кучайтириш муаммони бартараф этишининг тажрибадан ўтган, самарали усууларидандир.

Таҳлиллар шундан далолат беради, гиёхвандликка мойиллик кўпроқ ахборот ва таълим этиш маслиги сабабли юзага келади. Шунинг учун ота-оналар ва оила аъзоларини мазкур йўналишда ҳабардор қилиш учун маҳсус тренинглар ва семинарлар ташкил этиш мұхим. Бундай тадбирлар оиласидан мұхитда гиёхвандликка қарши иммунитет шакллантиришга кўмаклашади.

Хукукий таъсир чоралари фақат жазо эмас, балки профилактикага қаратилса, гиёхвандликка қарши курашда самарадорлик сезиларли даражада ошади. Шу боис, ахолининг хукукий саводхонлигини оширишга қаратилган лойихалар ва дастурларни амалга ошириш ҳам айни муддао.

Сўнгги йилларда гиёхвандлик воситалари савдоси ҳажми глобал даражада кескин ўсиб, ҳалқаро хавфисизликка жиддий таҳдид солмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ноқонуний наркобизнес айланмаси йилига 320 миллиард доллардан ошиб кетган. Бундан ташкари, Осиё минтақасида афюн моддаларини ишлаб чиқариш ҳажми охирги 5 йилда 30 фоизга ўсган. Шунга кўра, гиёхвандлик ва

наркожиноятларга қарши курашда ҳалқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш катта ахамиятга эга.

БМТ доирасида гиёхвандликка қарши курашиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича маҳсус тузилма мавжуд бўлиб, у Гиёхвандлик ва Жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC) деб номланади. Ушбу бошқарма 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қўйида гилардан иборат:

Гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш: UNODC дунё миқёсида гиёхванд моддаларнинг ишлаб чиқарилиши, тарқатилиши ва истеъмолини назорат қилишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади.

Жиноятчиликка қарши курашиш: Бошқарма трансмиллий уюшган жиноятчилик, инсон савдоси, коррупция ва терроризмга қарши курашда давлатларга хукуқий ва техник ёрдам кўрсатади.

Инсон хукуқларини ҳимоя қилиш: UNODC инсон хукуқларини таъминлашда гиёхвандликка қарши курашишнинг ахамиятини таъкидлайди ва бу соҳада давлатлар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантиради.

2022 йил 12 апрелда БМТ Бош Ассамблеяси “Гиёхванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашда глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш” тўғрисидаги декларацияни кабул қилди. Ушбу хужжатлар ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва гиёхвандликка қарши курашда самарали чора-тадбирларни амалга оширишда мұхим ахамият касб этди.

Ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган лойиҳалар ва тадбирлар бу борадаги самарадорликни ошириши, шубҳасиз. 2023 йил 15 март санасида БМТнинг Наркотик моддалар бўйича комиссияси 66-сессиясида гиёхвандликка қарши курашишда ҳалқаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган бир катор қарорлар қабул қилинди.

Турли жиноий тўдалар гиёхванд моддаларнинг ноқонуний транзитида Марказий Осиёни стратегик нукта сифатида кўришлари мазкур

иллатнинг минтақавий таҳдидини ифода этади. Жорий таҳлилларга кўра, Ўзбекистон орқали ўтадиган гиёхванд моддаларнинг 70 фоизи Афғонистондан келиб чиқади. Шу сабабли, минтақавий ҳамкорликни кучайтириш, чегара хавфисизлигини таъминлаш ва разведка маълумотлари алмашиш тизимларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўз фаолияти давомида UNODCнинг Марказий Осиё минтақасидаги вакили билан ҳамкорлик қилиб келади. 2021 йил 14 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон хукумати томонидан UNODCнинг Гиёхванд моддалар бўйича комиссиясининг 64-сессияси доирасида “Гиёхвандлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик” мавзусида тадбир ўтказилди. UNODC Ўзбекистонга гиёхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш учун техник ёрдам, жумладан, ускуналар тақдим этди. Ушбу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг гиёхвандлик ва наркожиноятларга қарши курашишда ҳалқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик олиб бораётганини кўрсатади.

Гиёхванд воситалари савдоси ва айланмасини олдини олишда 2024 йил 4 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташабbusi билан “Марказий Осиё давлатларининг гиёхвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва бартараф этишда ягона фронт бўлиб ҳамкорлик қилишга тайёрлиги” тўғрисидаги резолюцияни қабул қилингани мазкур йўналишдаги ишларни, қарши таъсир чора-тадбирлари самарадорлигини оширишда долзарб ахамият касб этди.

Шунинг учун кейинги йилларда Марказий Осиё давлатлари гиёхвандликка қарши курашда самарали ҳамкорликни кучайтириш максадида катор қадамларни амалга оширмоқда. Мисол учун, “Марказий Осиё минтақавий ахборот алмашиш платформаси” орқали давлатлар ўртасида оператив маълумотлар алмашиш йўлга қўйил-

ган. Бу минтака бўйлаб гиёхванд моддалар айланмасини олдиндан кўра олишни ва уларга қарши зарур чора-тадбирларни амалга оширишни енгиллаштиради.

Шунингдек, Ўзбекистон, Коғозистон, Кирғизистон ва Тожикистон ўртасида чегара хавфисизлигини мустаҳкамлаш учун кўшма тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, чегараларда замонавий назорат технологияларини жорий этиш ва хавфли юкларни тезкор текширувдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Минтақавий даражада реабилитация марказлари ташкил этиш ҳам мұхим масала ҳисобланади. Бундай марказлар гиёхванд моддаларга мойил шахсларга малакали ёрдам кўрсатиш ва уларни жамиятига қайтаришга кўмаклашади. Марказий Осиёда ушбу йўналишда ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир неча пилот лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, гиёхвандликка қарши курашда ахборот ва таълим дастурларни минтақавий даражада мувофиқлаштириш орқали ёшларни муҳофаза қилиш чоралари кучайтирилмоқда. Ушбу саъй-харакатлар Марказий Осиёни гиёхвандликка қарши курашнинг ҳалқаро миқёсдаги мұхим ҳудудига айлантиришга ёрдам беради.

2024-2025 йилларга мўлжалланган миллий дастур Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш ўйлида мұхим қадам бўлиши, шубҳасиз. Ушбу дастурнинг изчил ва тизимли амалга оширилиши нафакат гиёхвандликнинг олдини олишга, балки жамият тараққиёти ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу борада ҳар бир фуқаро, ташкилот ва давлат органлари биргаликда ҳарарат қилишлари лозим.

Мазкур дастур жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва келажак авлодларнинг барқарор мұхитда вояга этишини таъминлашда мұхим ўрин тутади.

**Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ,**  
**Ўзбекистон ҳалқаро ислом**  
**академияси доценти,**  
**тарих фанлари бўйича**  
**фалсафа доктори**

**Ҳар қандай инсон туғилиб ўсган жойига меҳр қўяди. У шаҳарми, қишлоқми, фарқи йўқ, Ватан деб билади. Ватаннинг остоидан бошланишини, унинг муқаддаслигини асло унутмайди, улуғлигини хар доим қалбига жо этади.**

## ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Мамлакат тиббиёт оламида аллақачон ўз ўрнини топа олган Бахтиёр Қиёмов Қашқадарёнинг Чироқчи туманида туғилган. Болалиги қишлоқда ўтиб, шу ерда ўсиб-улгайган, ўрта мактаб таълимини ҳам қишлоғидаги мактабда олган. Кейинчалик эса бутун ҳаёти қадими Самарқанд билан боғланб кетган.

Самарқандга илк келган дамлари кўхна шаҳарнинг қадими ёдгорликлари, қатор зиёратгоҳлари унинг эътиборини тортган, Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда ёдгорлик маҷмуи, Амир Темур, Бибихоним, Рұҳобод мақбара ва мадрасалари зиёрати деярли ҳар куни шошилган. Шаҳар марказидаги марказий дам олиш ва истироҳат боғи унинг энг севимли гўшаларидан бирига айланган.

Тиббиёт институтидаги талабалик йилларини у ҳозирги пайтда ҳам ўша даврда юз берган энг мухим, эсда қоларли воқеа, ходисалардек ўйлади. Бу ҳақда хаёл сураркан, “Эҳтимол, ана шу эсда қоларли воқеалар, талабалик давримдан кўра мухимроқ эмасdir”, деган фикрга боради.

Бахтиёр Қиёмов учун Қашқадарё ҳам, Самарқанд ҳам бирдек азиз. Ҳар икки юрт ҳам унинг учун бирдек Ватан, қуёшли Ўзбекистоннинг бир бўлғаги. Буни у олий даргоҳ талабаси бўлган йилларида ёк ҳис этганди. Бу йилларни у асло унутмайди, унотмайди.

Талабалик даврида у кўплаб тенгдошлари – бўлажак шифокорлар билан танишди, дўстлашди. Малакали профессор-ўқитувчилар, тиббиёт билимдонларидан илм олди, тиббиёт сир-асорларини ўрганди. Ўқиш даврида энг интизомли ва намунали талаба бўлишга, барча фанларни аъло даражада ўзлаштиришга, дунёқарашини бойтишга интилди ва мақсадига эришиш билан устозлари олқишига савор бўлди. 1986 йилда у тиббиёт олийгоҳини педиатр мутахассислиги бўйича тамомлади.

Олий маълумотли шифокор дипломига эга бўлгач, эгаллаган соҳаси бўйича меҳнат фаолиятини бошлади. Дастрлаб Қарши шаҳар тез ёрдам бўлинмасида врач-интерн 1987-1989 йилларда Чироқчи туман тиббиёт бирлашмасида врач-педиатр вазифасида фаолият кўрсатди.

Орадан ўтган 3-4 йилда Бахтиёр Қиёмов тиббиёт оламига тўлиғин-

ча кириб кела олди. Қиска фурсатда тажрибали педиатрлар сафидан ўрин эгаллади. Аммо ўз меҳнатидан, билимидан қониқа олмади. Илм олишни яна давом эттириши, малакали медицина ходимлари ёнида бўлиши зарурлигини хис этди. Орзуларига эришиш мақсадида ўзи таълим олган Самарқанд давлат тиббиёт институтига келди. 1993 йилдан институтнинг анатомия кафедрасига кичик илмий ходимликка қабул қилинди.

Олийгоҳ ҳаётига, устозлар ўгитларига амал қилишга қўнишиб қолган, ҳақиқий тиббиёт ходими бўлиб етишаёт-ган бир пайтда уни ҳарбий хизматга чақиришди. Хизматни ҳарбийларга хос услугда ўтади. Кейин эса ҳаёти ҳарбийлик билан боғланб кетди. У хизматдан сўнг Самарқанд тиббиёт коллежида ёшларни чақириққа тайёрлаш фанидан дарс берди. 2005 йилга кадар эса ҳақиқий ҳарбий хизмат идораларида зобит сифатида хизмат килди. Бир муддат Самарқанддаги 64-максус мактаб-интернатда психолог ва тиббиёт бўлими бошлиги вазифасида ишлади.

Асли касби шифокор бўлган Бах-

ўзининг олижаноб мақсадидан чекинмади. Вазиятдан чиқди ва яна беморларга ёрдам бериши давом эттириди.

Тажрибали шифокор аҳоли саломатлигини сақлашда, хусусан, иммунитетни кўтаришда халқ табобатининг ўрни бекиёс эканини англади. Бутунжаҳон номаълум касалликка даъво излаётган бир пайтда у ўзининг хулосаларини, қарашларини баён этди. Айрим ҳолларда кимёвий дори-дармонлардан маҳаллий гиёҳларнинг самарали эканини раҳбарларга, ҳамкасларига айта олди. Шу боис иш фаолиятида шундай усулдан фойдаланди, лекин ўзбилармонлик қилмади, бу борада тиббиёт олийгоҳи олимлари билан доимий равища ҳамкорлик килди.

Антибиотиклар, умуман, кимёвий дориларга нисбатан табиий гиёҳларнинг афзалиги кўп, — дейди Бахтиёр Қиёмов. — Энг асосийси, кимёвий дори-дармонлар инсон организмининг бирига фойда келтирса, иккинчисини заҳарлаши мумкин. Табиий гиёҳлар эса бундай эмас. Уларнинг зарарли томонлари

**Тилсиз ва кўзга кўринмас ёвни енгиш, унинг устидан ғалаба қозониш хасталикка йўлиқаётганларни бу дарддан халос этиш билан боғлиқ эди. Буни Бахтиёр Қиёмов дилдан ҳис этди.**

тиёр Қиёмов 2019-2021 йилларда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиникасида фаолият кўрсатди. Айни шу пайтда бутун дунёда “Ковид-19” атамаси билан номланган юқумли вирус тарқалди. Бутун дунё тиббиётчилари, олимлари бор билим ва иродаларни “Ковид-19” га қарши қўйишиди. Шифокорликка меҳр кўйган Бахтиёр Қиёмов ҳам бу курашдан четда қолмади. У кечую-кундуз тиним нималигини билмади.

Тилсиз ва кўзга кўринмас ёвни енгиш, унинг устидан ғалаба қозониш хасталикка йўлиқаётганларни бу дарддан халос этиш билан боғлиқ эди. Буни Бахтиёр Қиёмов дилдан ҳис этди. Билими, матонати, меҳрибонлиги боис қанчалаб беморлар ҳаётининг сақлаб қолинишига сабабчи бўлди. Шу жараёнда ўзи ҳам мазкур дардга чалинди. Қанчалик оғир ахволга тушмасин,

кам. Мен тиббиётдаги илмий излашишларнинг бундан буён ҳам шундай фойдали жиҳатларга қаратилишини истардим.

Бахтиёр Эргашевич жамоада хурмат-эътиборга, обрўга эга. У ҳақда университет ректори Жасур Ризаев шундай дейди:

Бахтиёр Қиёмов 2021 йилнинг сентябрь ойидан бугунги кунга қадар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг одам анатомияси кафедрасида ассистент лавозимида ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. У маъруза ва амалий машғулотларни давлат таълим стандартлари ва халкаро тажрибалар асосида юкори услубий даражада ташкил этишига, ўқитиш жараёнини тиббиёт фанининг янгиликлари билан бойтиб боришига интилувчан педагог.

Машғулотларида янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ва электрон ўқитиш воситаларини моҳирона кўллай олади.



Бугунги кунда Бахтиёр Эргашевич фаолиятини юксак даражада ташкил этиб, кафедранинг ёш педагогларига намуна ва ўрнак бўлиб келмоқда. У ҳамиша талабчан, тартиб-интизомли, харакатчан. Ҳар ишда ташаббускор, журъатли, тўғрисўз, маънавий етук, ўз ҳамкасларига нисбатан доимо меҳрибон ва ғамхўр. Ўзининг меҳнатсеварлиги, намунали ҳулки, инсоний хислатлари билан жамоа ва талабалар ўртасида катта обрў ва эътиборга эга.

Бахтиёр Қиёмов меҳнат фаолиятининг кўпроқ қисми ҳарбийлар ҳаёти билан боғланниб кетганиданми, ҳамиша унинг юзу кўзидан, бутун вужудидан ҳарбийларга хос шижоат, Ватанга, халқа бўлған садоқат, меҳр балқиб турди. Ҳа, у шундай инсон, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Ватан ҳакида, юрт ҳакида, ватандошларинг ҳакида ўйлар экансан, қалбинг ғуурurga, ифтихорга тўлади, — дей фахр билан гапиради Бахтиёр Қиёмов. — Улуғларнинг улуғи бўлган Ватан хизматида эканингдан бошинг кўкларга етади, кундан кунга ривожланиб, тараққий этиб бораётган юрт муваффақиятлари кўнглингга илҳом бағишлайди, янги зафарлар сари бошлайди.

Ўзинг учун муқаддас деб билганинг, доимо азиз ва муқаддас деб билганинг қутлуғ юрт остоидасини тавоғ қиласан, Ватаннинг остоидан бошланишини баралла айтасан, қаршингда шеър ўқиётган, қўшиқ куйлаётган шоирни, санъаткорни, она-юрт ҳакида тўлқинланиб дил иззорини айтадиган ҳар бир ҳамюртингни дикқат билан тинглайсан. Ана шу инсонлар саломатлиги йўлида жон койитиш, бунинг учун бор билиминг, маҳоратинг, малакангни аямаслик, уларни асраб-авайлаш шифокорлик бурчинг эканини қайта-қайта ҳис этасан.

Малакали шифокор Бахтиёр Қиёмовда шундай хислатлар жамулжамдир.

**Иноят АРКАЕВ,  
П даражали “Соғлом авлод учун” ва “Мехнат шуҳрати” орденлари сохиби.  
Сайдулла АБСАМАТОВ,  
Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати.**



Кўпчилик “сторителлинг” сўзи ҳакида эшитган бўлиши мумкин, аммо унинг асл моҳияти, тарихи ва адабиётдаги ўрни ҳакида кўпроқ Ғарб тадқиқотчилари ва олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбек зиёлилари орасида сторителлинг атамаси нисбатан яқин йилларда пайдо бўлган тушунча ҳисобланади.

Сторителлинг асли инглизча сўз бўлиб “ҳикоя қилиб бериш” маъносини англатади. Демак, сторителлинг адабиётга ва янада аникроқ айтсанаси насрга бевосита алоқадор тушунча. Аммо, адабиётдан ташқари, сторителлинг бугунги кунда психология ва маркетинг соҳасида хам мижозлар билан ишлашда алоҳида мебтоб сифатида хам кўлланилади.

Бизнинг мақоладан кўзланган мақсад эса сторителлингни адабиёт нуқтаи наزارидан ўрганиш ва унинг айrim мухим жиҳатларини ўқувчилар бидан бўлишишдан иборат.

Адабиётшунослар фикрига кўра, сторителлинг бадий адабиётдаги энг қадими санъат тури ҳисболанади. Айтайлик, инсонлар ўртасида мулоқот бошланиши билан пайдо бўлган санъат бу сторителлингдир, яъни ҳикоя қилиб бериш санъатидир. Масалан, ибтидоий жамоа тузумида яшаган инсонларни олайлик, улар овчилик ва термачилик билан шуғулланиб кун кечирган. Кундузи ов қилган одамлар кечкурун гулхан атрофига йиғилишаркан, ов жараённида кечган қизиқарли ёки қўрқинчли воқеаларни бир бирларига ҳикоя қилиб беришган. Ҳикояларнинг ҳаёттийроқ ва таъсирчан бўлишини таъминлаш мақсадида, ўзлари англаган ёки англамаган ҳолда ҳаёлли тасвиirlарини хам сингдиришган ва бу илк сторителлинг намунаси сифатида дунёга келган.

Узоқ ўтмишдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Асосийси, инсоният тарихининг бугунги кунга қадар етиб келишида ва яшаб қолишида айнан ҳикоя қилиб бериш мухим роль ўйнаган. Тадқиқотчилар фикрига кўра, айнан ҳикоя қилиб бериш қобилияти инсонни ҳайвонот оламидан ажратиб турувчи мухим белгилардан бири ҳисобланади.

Кейинчалик ёзувнинг кашф қилинishi сифатида воқеаларни ҳикоя қилиб бериш китобларга кўчиб ўтган ва роман деб ном олган адабиёт жанри пайдо бўлган.

Бадий адабиёт шуниси билан мухимки, унда факат тарихий фактларгина эмас, балки инсоннинг турли руҳий кечинмалари, кувончли ва қайғули кунлари ва энг асосийси, биз англаб етолмайдиган ҳаёлот маҳсули (фантазия) хам акс этади. Шу жиҳатдан хам адабиёт инсоният тарихини кенг ва жонли ҳикоя қилиб берувчи мухим воситадир. Романларни ва бошқа жанрдаги турли асарларни ўқир эканмиз, улардан ўзимизни топгандай бўламиз, кўп ҳолларда ўзимиз билмаган ҳолда асар қахрамон-

# ТАН ОЛИНМАГАН КОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР

ларининг қайғуларига шерик бўламиз, улар муваффақиятга эришса қувонамиз, мағлуб бўлишса хафа бўламиз. Баъзида эса бизнинг ўрнимизга қаҳрамонлар ваддот этгандай бўлади. Қисқаси асарларни ўқиши давомида қаҳрамонлар билан бирга яшаймиз ва эстетик завқ оламиз.

Бугун кўплаб алоқа воситалари ва гаджетларнинг пайдо бўлиши натижасида китоб ўқишига бўлган қизиқиш бутун дунёда сезиларли даражада пасайди. Шундай бўлсада, китоб ўқишига тарғиб қилувчилаr, давлат томонидан китобхонларни рағбатлантиришга қаратилган ижтимоий лойиҳалар натижасида китобхонлик мухити яшаб келмоқда.

Аслида китоб ўқиши ва китобхонлик хар бир инсон учун ҳаёттий зарурат сифатида доимий юзага чиқадиган эҳтиёж. Афуски, буни кўп ҳолларда англаб етолмaganligimiz натижасида ҳаёттий қийинчиликларга дуч келамиз ва улардан чиқиши ўйларини тополмай қийналамиз.

Унутмаслигимиз керакки, биз ҳар қандай китоб сотиб олар эканмиз, у фақатгина 300-400 грамм қоғоздан иборат эмас, балки унда инсонлар ўртасидаги мухаббат, дўстлик, юмор, ўзга ўртларга ва денгизларга саёҳат каби кўплаб инсонларнинг ҳаёт тасвирини, янада аникроқ айтсанаси, янги бир ҳаёттий тажрибани сотиб оламиз.

Асарларда тасвиirlangan ҳаёлот уммонига ғарқ бўлар эканмиз, ўзимизни реалликдан узилгандай ҳис қиламиз. Аммо, бу бизга кундалик муаммолардан кутулишимиз учун вақтингчалик бошпана ёки фақатгина завқ олиш эмас, аксинча унда бизга мутлақо янги бўлган муаммоли вазиятлар ва қайғули кечинмаларни ҳис қиламиз. Бу парадоксни илк бор Аристотел ўзининг “Поэтика” асарида тасвиirlab, бадий ҳаёлот олами инсонга завқ бериш билан бирга, унга кўплаб қўнгилсизликлар: ўлим, қийин вазиятда колиб кетиши ва ташвиш сингари вазиятларни ҳис қилдиришини таъкидлайди. Бадий асар бизни идеал ҳаётда яшашга эмас, балки турли ташвишларга тўла бўлган реал ҳаётга янада яқин бўлишга ва қайсиdir маънода унга тайёрлашга хизмат қилади.

Америкалик адабиётшунослар олим Жонатан Готшалл “Сторителлинг бизни қандай одам қилди” номли китобида бадий асарлар ва тўқима ҳикояларнинг умумий грамматикаси бор деган гояни илгари суради. Унинг фикрича, ҳалқ оғзаки ижоди ва болалар эртакларидан тортиб замонавий драмалардаги барча воқеалар муаммолар атрофида қурилишини таъкидлайди. Шу ўринда, адабиётшунослар харбий самолёт учувчиларининг маҳоратини таърифлаб, 23 тонналик самолётни 55-60 км тезлик билан ҳаракатланиб бораётган кеманинг 150 метрлик майдонига қўндириш энг машакқатли ишлардан бири эканлигини тасвиirlайди. Учувчилар кема ҳаракатига таъсир ўтказаётган океан тўлқинлари кучини, кемадаги минглаб одамларнинг ҳаёти, катта миқдордаги портловчи ракеталар ва ядро реакторининг мавжудлигини инобатга олиши билан бир қаторда, мутлақо қо-

ронгулика қўна олиш кўнникмаларида эга бўлиши талаб этилишини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, ҳаётда хам ўлчовларни тўғри ола билиш ва эҳтимолий муваффақиятсизликнинг оқибатлари хам ҳарбий учувчининг кўнникмаларидан кам бўлмаган маҳоратни талаб қилади. Мисол учун, одамларнинг маълум гуррухи бир жойга йигилса, улар дўстона ва яқин муносабатларга киришишлари ёки бўлмаса ўзаро душманга айланишлари мумкин.

Спортчилар мусобақаларда, мусиқачилар концерт залларида ўзларини эркин тутишлари учун ва кучли ҳаяжонланиш ҳолатларида хам ўзларини бошқара олишлари учун доимий машғулотлар ўтказганидай, инсонлар хам ўзларининг ижтимоий кўнникмаларини ривожлантариши ва яхшилаши учун кўпроқ бадий адабиётга мурожаат қилишлари лозим.

Америкалик ёзувчи Жанет Берроуэй фикрига кўра, адабиёт бизга ҳеч қандай тўловларсиз ва ҳеч нарса йўқотмаган ҳолда, севги, айлов, эътироф, умид, кўркув ва нафратни ҳис қилишга имкон беради. Психолог ва ёзувчи Кейт Оатли эса ҳикоялар ва асарлардаги воқеаларни “одатий ҳаёт учун тренажерлар” деб атайди. Шундай қилиб биз бадий ҳикояларни фақатгина ёққани учун эмас, балки бунга кўшимча равища ҳаёлий воқеалар билан танишиш орқали муаммоларни моделлаштиришимиз ва уларга ечим топишга уринишимиш мумкин.

Буни амалга ошириш механизмини хам Жонатан Готшалл Шерлок Холмс синдроми ёрдамида тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Маълумки, Артур Конан Дойлнинг қаҳрамони Шерлок Холмс фактлар ва воқеалар занжирини бир бутун ҳолда кўра олиш орқали жиноятларни фош этади. Шерлокнинг изкуварлик қобилиятлари ёзувчининг ҳаёлот ва фантазияси маҳсули бўлгани учун реал ҳаётда умуман ишламаслиги мумкиндир, аммо унинг ёндашувлари бизни хам кўрган ва тушунган воқеа ҳамда ҳодисалардан хулоса чиқаришга ундейди. Готшалл таъкидлаганидай, эволюция бизга “ички Холмс”ни ҳадя қилган. Чунки, ҳаёт интригалардан, кутилмаган бурилишлар ва сабаб-оқибат занжириларига асосланган сюжетлар билан тўла. Шундай экан, ҳаёлот оламининг маҳсули бўлган ҳикояларни ўқиши орқали ўзимизниң шахсий ҳаётимизни тартибга солишимиз осонлашади.

Адабиётни мутолаа қилиш орқали инсон ўзини тарбиялаб боради. Адабиёт яхшиликнинг мукофотланиши ва ёмонликнинг қораланиши каби инсон ахлоқининг асосий устунлари ҳисобланган қарашларни тасвиirlabни қолмасдан уларнинг ўқувчиларда янада мустаҳкамланишига замин яратади. Шу боисдан хам, жамиятдаги ахлоқ масалалари келганда, шоирлар ва ёзувчиларни дунёнинг тан олинмаган қонун чиқарувчилари деб бекорга айтишмайди.

**Муроджон МУСТАФОЕВ,  
мустақил тадқиқотчи**

## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Экология, атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишибилармонлар ҳаракати  
– Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон Нодавлат  
нотижорат ташкилотлари  
миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат палатаси.

## Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАҚИМОВ  
Акмал САЙДОВ  
Актам ҲАЙИТОВ  
Камолиддин  
ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ҲУСАНОВ

Бош мұхаррир  
Мақсад ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма раками Г-110  
Адади: 1600  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
хажми 2 босма табок.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигига

2006 йил 0010-ракам билан  
рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик  
жиҳатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ”  
нашириёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
масъул.

Маълумот учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



(Боши 1-саҳифада)

Чоғир ичиш бора-бора аҳолининг қуи та-бақалари ҳаётига ҳам кириб келган, хонакоҳ, мадрасаларда тунни бедор ўтказган мастиларнинг шовқин-сурони, бебошликлари кўнгилсиз воқеаларга олиб келган. Бу улуғ гуманист Алишер Навоийни ташвишга солмасдан қолмасди, шунинг учун ўз асарларида бу бемаза одатга қарши чиқиб, бадмастликнинг хунук оқибатларини кўрсатиш билан фалокатнииг олдини олмоқчи бўлади.

Майхўрликка хирс қўйиш ёшларнинг ҳаётини заҳарлагани, истеъодини барбод этганини Навоий «Мажолис ун нафоис»да шоирлардан Сайид Куроза, Сайид Кутб Лакаданг ва Мавлоно Ҳайдар котиб мисолида бир ачиниш билан қайд қиласди. Шоир Мавлоно Ҳайдарни «чоғир андоқ мағлуб қилур эрдиким, ихтиёри ҳеч бир ишда йўқ эрди», деб ёзди. Сайид Куроза билан Кутб Лакаданг Самарқанддан Ҳиротга илм таҳсили учун борган ёшлар бўлиб, Навоий уларни ўз тарбиясига олади, мадрасага жойлаб маош тайинлайди. Бироқ бу иккиси илм ўрганиш, шоирлик маҳоратини ошириш ўрнига чоғир ичиш билан шуғулланадилар, қиморбоз, фаҳш, йўлтўсарлик каби бадахлоқ қиликларга қўшилиб, бошқа қабиҳ ишларни ҳам қиласдилар. Навоий буларни тергаб турган бўлса-да, лекин таъсир қилмаган. Сайид Куроза охири Ҳиротда туролмай, Самарқандга келади ва Самарқанд «хамрийлари бирла заду хурд килиб, ғолиб бўлмаса, дағи мағлуб ҳам бўлмай», авбошларга қўшилади. Кутб Лакаданг эса мастилик чоғида катта бир гуноҳ ишга қўл ургани сабабли ўлим жазосига ҳукм қилинади. Алишер Навоий аралашиб, қатл хукмини зиндан жазосига алмаштиради. Бироқ бу «нокағина» миннатдорчилик билдириб, тавба-тазарруй қилиш ва туз йўлга кириб одам бўлишни Йиламасдан яна зиндандан қочиб Самарқандга кетади. Сайид Куроза тўдасига қўшилиб, аввалги палид ишларини давом эттиради. Маълум бўладики, Навоий сабру тоқатли мураббий сифатида турли тадбир-чора қўллаб кўрган. Аммо бу ёшлар табиатидан ёвуз, хайвоний хирслар буткул ғалаба қозониб, инсоний руҳларини мағлуб этганини кўргач, афсусланиб қўя қолган.

«Жами ёмонлик андин мутаваллид бўлур», – деб ёзди у Ҳусайн Бойқарога йўллаган мактубларидан бирида. Майхўр шоҳ раият аҳволидан бехабар қолади,adolatни unutadi. Султон нафақат бу одатни тарқ этиши, балки бошқаларга ҳам буни ман этмоғи лозим. Шоир «Махбуб ул-қулиб»да танбех юзасидан дейди: «Май ичмак нахӣ (ман қилинган) эрур тангри қавли

## «ДЕМА ХУМОР, ОНИ ДЕГИЛ ЮЗ БАЛО...»

била, ҳар ҳол била анинг тарки авло... Ямонроқ ичгувчи анга мағлуброқ ҳар неча ямонлиги зоҳир бўлса, анинг қошида маҳбуброқ. Бадмастқа дамодам ичмоғидин не баҳриким, одамийлик қатлига ичар қадаҳ-қадаҳ заҳар. Ҳар оҳшом усруклардин хориж тарона – телба итлар улошқонидин нишона».

Демак, майпарастлик одамийликни ўлдириш, ўз-ўзини заҳарлаш билан баробар. Майнинг ҳар қатраси инсон баданидаги ҳаёт шарбатини сиқиб чиқарувчи «моддаи фасод»дир, ҳар журъаси «селоби балоға»га teng деб уқтиради Навоий. Шундай бўлгандан кейин беҳад ранжу кулфат келтирадиган тириклик душмани бу қасофатдан кутулиш афзал эмасмикин, ичиб, мастибўлиб юришдан нима фойда, нима ҳузур? «Ани ичмак – жигар қонини ичмакдир ва мундин кечмак – бир жигаргўшадин кечмакдир. Ул бирин ютмоқдин заҳр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухмин курутма». Қанчалик башоратли гаплар. Майхўрлик кони зиён эканини, у саломатликнинг кушандаси, ҳаёт катили бўлиш билан бирга, наслга ҳам таъсир этади, бора-бора бутун бир ҳалқ миллиатнинг уруғини қуритиши мумкинлигини буюк шоир ўша пайтлардаёқ хис этиб, одамларни огохлантирган, ўз нуфузидан фойдаланиб бу ижтимоий фалокатга қарши бош кўтарган, бонг урган. Бу фикрлар, бу оташин эҳтиросли сўзлар бизнинг давримизга ҳамоҳанг, ҳамдард бўлиб жарангләётганини кўриб турибсиз.

«Махбуб ул-қулиб»да Навоий заҳарханда сўзлар билан бадмастликнинг «таърифини» келтириб, ўзининг салбий фикрларини баён этган бўлса, «Ҳайрат ул-аброр»да умумлашма ҳажвий образни яратган. Афтидан, шоир майхонага айланган хонақоҳлар, кўча-кўйларда ичиб ғавғо кўтариб юрган соҳта «ринд»ларни, олифта сатанглару сўфий қаландарларни тез-тез учратиб турган. Достоннинг «Жаҳл майининг дурдашлари шаънидаким, салоҳ (яхшилик хирқалари масъият (гуноҳ) илкидан чок эрур ва май жаҳлнинг сархушлари бобидаким, ҳар бири майхона эшигига маству бебок юрур...» деб бошланувчи ўн бешинчи мақолатини ўқир эканмиз, улуғ адібнинг кузатувчанлигини, воқеанинг майда деталларгача аниқ, реал тасвирлаб, майзада бир нотавон, ожиз ва жирканч қиёфани гавдалантирганини кўриб, қойил қоламиз.

*Дема хумор, они дегил юз бало,  
Жамъ ўлдубу они қилиб мубтало*

Бироқ ачинарлиси шуки, дея давом этади Навоий, бундай қишилар шунчалик билан изза бўлмайдилар. Тағин ўзларининг шарманда ахволларини риндлик, йигитлик айёмининг шўхлиги, каллошлиқ (олифта чапанилик) деб оқламоқчи бўладилар. Лекин бу гирт бемаънилиқ, димокқа кўнган жаҳолатнинг хуружи, холос. Ахир, йигитликни кўрсатиш, жавонмардлик балчиққа ағнаб ётиб, одамларга кулги бўлиш эмас-ку, – дея хитоб қиласди шоир киноя аралаш. Аксинча,

бу йигитлик шаънини булғаш, ҳаё-номусни буткул йўқотиб, ўзни қабоҳат кучоғига отишdir. Хўйи бадга гирифтор бўлган одам мана шунақа ҳар хил баҳоналар қиласди, танбех-насиҳатлар ҳам кор қилмайди. Навоий бундай бетамиз шахсларни ҳар қанча калтак еса-да, қозон атрофида ўралashiб юриб, қорин тўйғизадиган беор итларга ўхшатиб, ёзди:

*Итки қозон ошига тегурди тил,  
Юз қаролиқ биладуур юз қизил.*

Яъни: қозон ошидан еган итнинг қорин тўклиги, юзининг яшнаб туриши (айни вактда қалтакдан қонаши ҳам) юз қаролиги беномуслигининг натижасидир (айни вактда қозон куясига сурканиб башарасининг қора бўлиши ҳам). Шундан сўнг шоир яна иккита ўхшатиш қилиб, майпараст одамнинг феъл-хўйини равшанроқ очишига муваффақ бўлган. Бириси шуки, майпараст одам ўлдиравериб, қон тўкишга одатланиб қолган жаллод мисолидир, у ўз ўғлини қатл этса ҳам хурсанд бўлаверади. Дарҳақиқат, бутун фикру ҳаёли бир қултум шароб топиб ичишга қаратилган киши қотиллик қилиши, мудхиш жиноятларга қўл уриши ҳеч гапмас.

Алишер Навоий шаробхўрлик касалининг ҳалокатли оқибатларини умумлаштириб, шуни таъкидлайдики, май фақат ичувчи одамнинг вужудини емириб, унинг инсоний борлигини барбод этадиган нарса бўлмай, балки оила, қолаверса, бутун жамият асосларини емирадиган даҳшатли селдир, унинг түғенидан на шоҳ қасри ва на гадонинг кулбаси омон қолади. Бу оғат келтирадиган селгина эмас, дўзах ўтидан ҳам кучли, «етти кўкни ёндирувчи» оловдир. Қизифи шундаки, Навоий майпараст одамнинг тавбасига ишониш ҳам қийин деб уқтиради – улар бир неча бор ичмасликка қасам ичиб, яна ичаверадилар. Зоро, май иродани сусайтириб, ўзига тобе этган бўлади. Лекин, барибир, улуғ мутафаккир инсон ҳакида қайғургани, инсонни ҳалокатли хирслардан кутқариб, камол топтиришга интилгани учун майзада қишилардан батамом умидини узмайди. Уларда ўз-ўзидан нафратланиш хиссини уйғотиш, қалбидаги инсоний туйғуларни жонлантириш, ҳақ йўлида ҳидоят этиш билан бу касалликдан халос этиш мумкин деб хисоблади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий инсон хилқати, ахлоқи ва бурчи ҳақидаги қарашларида устозларининг ўлмас гуманизмини изчили ривожлантирган, инсон шарафи, одамийлик хислатларини химоя қилиб чиқкан. Алишер Навоий ғояларининг асрлар давомида яшаб келаётгани, бутунги кунимизда ҳам бизга сабоқ бўлаётгани, айникса кишини хурсанд қиласди.

**Муслихиддин МУҲИДДИНОВ,  
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори, филология фанлари доктори**